

Жаннатнинг калити нима?



12:10 / 28.05.2019 8749

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Намознинг калити - таҳорат, жаннатнинг калити - намоз»

Абу Довуд ривоят қилган.

Муоз ибн Жабални Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Яманга юбораётганларида унга шундай дедилар: **«Тез кунларда аҳли китоблар сендан жаннат калити ҳақида сўрайдилар, уларга «Лаа илаҳа иллаллоҳ», деб гувоҳлик бермоқ, дегин»** (Байҳақий ривоят қилган).

«Саҳиҳул Бухорий»да келишича, Ваҳб ибн Мунаббаҳга: «Жаннатнинг калити «Лаа илаҳа иллаллоҳ» эмасми?» дейилди. Ваҳб: «Шундоқ, лекин ҳар қандай калитнинг тишлари бўлади. Агар калит тишли бўлса, эшик очилади, тиши бўлмаса, очилмайди», деди.

Тишлар Аллоҳ таолони якка-ю ёлғиз билиш ва Унгагина ибодат қилишдан иборатдир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **«Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушxabар берингки, улар учун остларидан дарёлар**

оқиб турувчи боғлар бор» (Бақара сураси, 25-оят).

«Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун фирдавс боғлари манзил бўлур» (Қаҳф сураси, 107-оят).

Иймон билан амал ҳақидаги бундай мисоллар Қуръон каримда жуда кўп. Юқорида Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган биринчи ҳадиснинг тақозоси ҳам шу.

Жаннат калити фақат тавҳид экани ҳақида ҳадислар бисёр. "Саҳиҳайн"да Абу Зар ва бошқалардан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳ таолога бирор нарсани ширк келтирмасдан вафот қилса, жаннатга киради», дедилар. «Зино ва ўғрилиқ қилса ҳамми?» дейишди. «Зино ва ўғрилиқ қилса ҳам», дедилар.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Малакул мавт (Ўлим фариштаси) бир кишининг олдида ҳозир бўлди. Аъзоларининг ҳар бирини қараб чиқди ва ҳеч қандай яхшилик топмади. Сўнг қалбини ёриб кўрди, унда ҳам ҳеч нарса топмади. Сўнг жағини очди ва тили танглайига «Лаа илаҳа иллаллоҳ» деб ёпишиб қолганини кўрди-да: «Ихлос калимасини айтганинг эвазига сенга жаннат вожиб бўлди», деди».

(Табароний ривоят қилган).

Имом Қуртубийнинг «Тазкира»сидан